Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 226 (21. 093) 1991 йил 22 ноябрь, жума • Баҳоси 8 тийин.

«Ўзбекистон овози», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Тошкентда 21 ноябрь куни республика Олий Кенгашининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

Мажлисни Олий Кенгаш Раиси **Ш. М. Йўлдошев** олиб борди.

Олий суд раиси **У. К. Мингбоев** ва республика адлия вазири **Б. Маликов** таклифларига кўра, Олий Кенгаш республика Олий суди ва айрим вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари таркибига ўзгаришлар киритди.

Олий Кенгаш Раёсатининг аъзоси, саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг раиси **Ф. Н. Нажмиддинов** депутат одоби комиссияси тўғрисидаги Низом ва депутат одоби қоидалари лойиҳалари хусусида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда халқ депутатларидан **Х. Абдужабборов, Ҳ. У. Худойбердиева, Муҳаммадсаидхожи Аҳмаджон Раҳматулло ўғли, М. Исматов, П. И. Саидазимов, А. Ғ. Ғуломмаҳмудов, Э. Т. Алиев, С. Содиқов, К. Икромов** сўзга чиқдилар.

Муҳокамага киритилган лойиҳалар қабул қилинди. Олий Кенгашнинг одоб комиссияси тузилди. Унга депутат **М. Юсупов** раҳбарлик қилади.

Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари **Б. И. Бугров** Олий Кенгаш Раёсатининг топшириғига биноан янги комитетлар тузиш, айрим комитетлар номларини ўзгартириш ва уларнинг раисларини сайлаш, комитетлар таркибларида ўзгартишлар қилиш тўғрисида таклиф киритди. Бу масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Кенгаш айрим районлар ва шаҳарларнинг тарихий номларини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан буён Андижон вилоятидаги Москва райони яна Шаҳрихон райони деб, Ленинск шаҳри Асака деб, Ильичевск шаҳри Қорасув деб номланади. Сирдарё вилоятидаги Ворошилов райони Сайхунобод, Верхневолинск қўрғони Сайхун деб юритилади.

Экология ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари комитети раиси **А. Т. Жалилов** Оролбўйи минтақасидаги экология вазиятининг аҳволи тўғрисида ахборот берди.

Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган ёлғон ахборотлар манбаларини аниқлаш ва уни ҳолисона баҳолаш учун тузилган комиссиясининг раиси **Э. В. Воҳидов** амалга оширилган ишнинг айрим дастлабки натижалари ҳақида ахборот берди.

Бу масала юзасидан халқ депутатлари **М. Т. Зоҳидов** ва **М. Қаюмов** сўзга чиқдилар.

Ушбу масалани ўрганишни давом эттириш ва унинг якунлари ҳақида навбатдаги сессияда ахборот бериш тавсия этилди.

Олий Кенгаш тегишли комитетларга хорижда яшаётган ватандошлар тўғрисидаги масалага оид ҳужжатларни ишлаб чиқишни топширди.

Олий Кенгаш республикадан ташқарига жўнаб кетиши муносабати билан Н. В. Мачтаковнинг депутатлик ваколатларини унинг аризасига биноан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳоми тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Қашқадарё вилоят судининг айблов ҳукми қонуний кучга кириши муносабати билан Ш. Рўзимуродовнинг депутатлик ваколатларини муддатидан олдин тўхтатди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. А. Каримов** иштирок этди.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

• Тожикистондан хат

МАҚСАДИМИЗ БИР— ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Қадрли Президент! Замона зайли билан демократиялаштириш ҳамда ошкоралик ғолиб келиб, эркинлик нафаси оддий халқ кўксини силаб қолди. Аммо бу вазиятнинг оғир кечаётганлиги сир эмас. Бу эса ҳаммага бирлик, дўстлик ҳаводек зарурлигини яна бир карра исбот қилаётир. Биз Сизнинг Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар нуфузини кўтариш, уларнинг бахту саодати учун ҳамма нарсага тайёр эканлигингизга ишонамиз ва бундан фахрланамиз. Ҳозирги мушкул даврда ҳар бир эл иқболи учун кўтарган масалангизни ижобий ҳал этишингизда сизга қувват, матонат орзу қиламиз. Албатта Тошкент шаҳри Ўзбекистон жумҳурияти пойтахти. Аммо Ўзбекистон жаҳон ўзбекларининг пойтахти ва умидидир. Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон инкор қила олмайди. Шунинг учун Ўзбекистон истиқболи қанчалик порласа, биз ҳам ўз жумҳуриятимиз бахти кулгандек қабул қиламиз. Шодликдан бошимиз осмонга етади. Ахир ўзбек — тожик дўстлигининг маъзи ҳам бир-бирининг шодлиги ва ғамида самимий шерик бўлишида эмасми? Ҳазрат Навоийни Жомийсиз, Ҳазрат Жомийни эса Навоийсиз тасаввур қилиш қийин-ку?! Жумҳуриятимиз аҳолисининг тўртдан бирини, ноҳиямизда 55 фоизини ўзбеклар ташкил этади. Бу ерда тожику ўзбек қадимлардан қуда-анда бўлиб келишган. Ана шу қуда-андаликни давом эттириш Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг бурчидир. Кўҳна Қабодиён замини халқи сизга катта умид билан қарайди. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ҳамкорлигини янада ошириб, тўқлик, хавфсизлик ва дўстликни таъминлашда Сизнинг етакчи ролингиз бўлишига ишонади. Буюк аллома Носир Ҳисрав зодгоҳи, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр, Мирза Ҳайит Саҳбо сингари сўз усталарининг қадамжолари бўлган Қабодиён эли қадимдан меҳмоннавозлик ва дўстликни Ўзбекистоннинг барча вилоятлари билан, айниқса Сурхондарё вилояти халқи билан қаттиқ боғлаб келган. Бу соҳада келгусида ҳам барчага ибрат бўлиб қолади.

Ҳурматли Президент!

Айни кунларда дўстликни жумҳурият ёки иттифоқ миқёсида мустаҳкамлашнинг ўзи камлик қилади. Уни Ўзбекистон расмий равишда, барча республикалар сингари жаҳон мамлакатлари билан қилаётир.

«Эл» уюшмаси ташаббуси билан дунёдаги ўзбеклар вакиллари Тошкентда учрашибди. Бундай иш Туркманистонда ҳам амалга ошибди. Жумҳуриятимизда тожикларнинг жаҳон анжуманини ўтказиш ишлари бошланди. Биз бу ишларни олқишлаймиз. Истагимиз — бундай учрашувлар тез-тез ўтсин, тез-тез дийдор кўришайлик.

Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин ўз ватанидан узоқда яшаётган миллат вакиллари ўз ҳаммиллатлари ғуж бўлиб яшаётган мамлакат сари интилади. Доимий мулоқотда, алоқада бўлишни истайди. Кези келганда нажот ва ёрдам қўлини сўрайди. Бу табиий холдир. Биз Тожикистон ва Ўзбекистон жумҳуриятлари орасида чегара, ер, эл даъвоси бўлишини сира истамаймиз. Бу масалалар келгусида ҳам кўтарилмас. Аммо тожикистонлик ўзбекистонлик уйини, ўзбекистонлик тожикистонлик уйини ўз уйидек кўришдек даражасига етишимиз лозим. Бу икки буюк халқ шунга лойиқ. Бунинг учун иқтисодий, маданий алоқаларга оммавий тус бермоқ зарур. Тошкент билан Душанбенинг алоқалари камлик қилади. Ноҳиялар ноҳиялар билан, корхоналар корхоналар билан, мактаблар мактаблар билан, хўжаликлар хўжаликлар билан мунтазам дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини ўрнатсалар яхши бўлади. Ўзбекистондаги тожик маданият маркази ва Тожикистондаги ўзбек маданият маркази фаолиятининг яхшиланишига ёрдам бериш, бу жамиятлардан икки миллат дўстлигини янада мустаҳкамлашда самарали фойдаланиш диққатга сазовордир. Уларни «ажратувчи» вазифасини бажаришга йўл қўймаслик зарур. Олимлар, санъаткорлар, журналистлар ва адиблар ташрифини ўзбекнишин ноҳияларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ишончимиз комилки, ҳамма имкониятларни амалда қўллаб, сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон яқин йилларда жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига қўшилади. Ва биз бундан янада фахрланамиз.

Ўзбекистонда республика Президентини умумхалқ сайловида сайлашга қарор қилинганини, Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Пленуми эса Сизнинг номзодингизни президентликка кўрсатганини эшитиб жуда ҳам ҳурсанд бўлдик. Бу демократия ва эркинлик ғалаба қозонаётганининг яна бир тасдиғидир. Аминмизки, халқ ўзи учун жон куйдираётган Сиздек инсон номзоди учун албатта овоз беради. Бизнинг эса ҳар қандай ҳолатда ҳам мақсадимиз битта: дўстлик, тинчлик, тўқлик, тараққиёт. Мана шуни Сизга ва Ўзбекистон халқига орзу қилиб сўзимизни тугатамиз.

Мурожаат Тожикистондаги ўзбек маданият маркази Қабодиён ноҳия бўлими ташкилий анжуманида қабул қилинди.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА МИТИНГ

Андижон районидаги Киров номли жамоа хўжалиги меҳнатчилари ва хўжалик аҳлининг кўп кишилик митинги бўлди. Митинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланди.

Сўзга чиққан кишилар республика ҳозирги Президентининг иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишдаги, республика мустақиллигини мустаҳкамлашдаги қатъиятини алоҳида таъкидладилар.

Қишлоқ аҳли уй-жой қуриш ва шахсий томорқа хўжаликларини кенгайтириш учун ер ажратиб бериш, нахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархини ошириш тўғрисидаги, ҳар бир оилани дон билан таъминлаш ҳақидаги фармонларнинг аҳамиятини таъкидлашлари табиийдир. Бу фармонларнинг ҳаммаси республика аҳолиси тўғрисидаги ғамхўрликдир.

— Президент колхозимизга келиб биз билан учрашгани ёдимиздан сира чиқмайди, — деди митингда сўзга чиққан ЎХДП ҳудудий бошланғич ташкилотининг котиби Т. Холназаров, — у эҳтиёжларимиз ва илтимосларимизга зўр эътибор билан қаради ва аҳолини айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кундалик зарур моллар билан таъминлашга доир кўп масалаларни шу ернинг ўзида ҳал қилиб берди. Ана шундай одам бундан кейин ҳам республикамиз Президенти бўлиши керак. Мен бўлажак президент сайловида ҳаммани И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақираман.

(ЎзТАГ).

ШУ СОНГА ТЕЛЕГРАММА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИГА

• Андижон ирригация машинасозлиги заводининг 1300 кишилик жамоаси ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовни бир овоздан шу йил 29 декабрда бўладиган сайловга Ўзбекистон Президентлигига номзод қилиб кўрсатди ва уни Президентликка ягона номзод деб ҳисоблайди. И. Каримовнинг номзодини рўйхатга олишни илтимос қиламиз. «Ўзбекистон овози» ва «Правда Востока» рўзномалари таҳририятидан ушбу қароримизни эълон қилишини сўраймиз.

«Андижанирмаш» заводи жамоаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ФАРҒОНА ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун мукофотлансинлар:

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан

Абдулҳамидов Алимардон — ректорнинг биринчи муовини

Ганин Юрий Александрович — умумий техника фанлари кафедрасининг доценти

Раҳимов Азимжон — ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти

Тўхтасинов Эркин Мўйдинович — умумий техника фанлари кафедрасининг доценти

Содиқов Лутфи Раҳматуллаевич — география кафедрасининг катта муаллими

Саримсоқов Қўчқор — алгебра ва математик таҳлил кафедрасининг доценти

Султонов Юнусали — география кафедрасининг доценти

Худойбердиев Тангри — табииёт-география факультетининг доценти

«Хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони берилсин

Абрамов Михаил Давидович — химия кафедрасининг доценти

Ғафуров Аҳмадали — иқтисодий назария кафедрасининг мудири

Коржан Виктор Владимирович — рус ва чет эл адабиёти кафедрасининг мудири

Маъмуров Турсунбой — сиёсий тарих кафедрасининг мудири

Сотволдиев Нажмиддин — математика ва геометрияни ўқитиш услуби кафедрасининг доценти

Фаёзова Осиё — сиёсий тарих кафедрасининг доценти

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 21 ноябрь.

«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

21 ноябрь куни Тошкентда «Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

«Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг Бош котиби Аҳмад Аъзам шу масала юзасидан сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш учун «Эрк» демократик партиясининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Муҳаммад Солиҳ (Салай Мадаминов) номзодини кўрсатиш ҳақида таклиф киритди.

Мажлисда республика президентлигига Муҳаммад Солиҳ номзодини кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

• Спорт

ОЛТИН БЎЛАРМИКАН?

Австралиянинг Сидней шаҳрида бокс бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатини мухлислар диққат билан кузатмоқдалар.

Ҳозир мамлакатимиз чарм қўлқоп усталаридан беш нафари ҳал қилувчи учрашувларга йўлланма олган. Улар орасида тошкентлик Артур Григорьян ҳам бор. У 60 килограмм вазнли боксчилар қатори рингга чиқмоқда. Боксчимиз саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, ҳал қилувчи ўйинга шайланиб турибди. Ишқибозлар эса Артурнинг қўлида нақд бўлиб турган кумуш медални олтинга айланишини кутмоқда.

«ТОЙОТА» ТОШКЕНТДА ИШ БОШЛАДИ



Жаҳоннинг 160 мамлакатига экспорт қилинаётган Японияннинг «Тойота» машиналари серқуёш диёримизни ҳам забт этмоқда. Самарқанддан кейин куни кеча Тошкентда очилган ҳамкорлик корхонаси бунинг далилидир. Чилонзордаги Халқлар дўстлиги шоҳкўчасида — автовокзал биноси ёнгинасида қад кўтарган янги мазкур қўшма корхонанинг тантанали очилиши ўзига хос маросимга айланди. Катта ва ёруғ бинода «Тойота» маркали турли машиналар ва уларга техника хизмати кўрсатишга ишлатиладиган ускуналар намойишга қўйилган эди. Тадбир чоғида қўшма корхонани таъсис этувчи «Тойота» мотор «Корпорейшн», «Узинавтосервис» бирлашмасининг Тошкент техника хизмат кўрсатиш станцияси раҳбарлари шартномани имзоладилар.

«Тойота» машиналари мамлакатимизга 1960 йилдан бошлаб келтирила бошланди. 1988 йилгача 213 дона машина олинган бўлса, мамлакатимизда автомобилга бўлган талабнинг кескин ошиб бориши натижасида импорт қилиш ишлари жуда тезлашиб кетди. Ўтган йили 4200 та машина олинди. Уларга техника хизмати кўрсатишни ташкил қилиш ҳам талаб даражасида йўлга қўйилишни тақозо этмоқда. Москва, Хабаровск ва Владивосток шаҳарларида унинг станциялари ишлаб турибди.

— Ҳамкорлик корхонаси ўз олдига Ўзбекистонда машина эгаларига муносиб хизмат кўрсатиш вазифасини қўйган. Бу ерда амалга ошириладиган юмушлар жаҳон андозачилигининг илғор технологиясига тўла жавоб бериши керак ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришда қўл келиши лозим, — дейди ҳамкорлик корхонаси бошқаруви раиси А. Эшонхўжаев. — Яқин келгусида Ўзбекистонда бу фирманинг машиналарига кафолотли техника хизмати кўрсатиш тармоғи яратилади.

— Мен сизнинг Тошкентдек азим шаҳрингизда биринчи марта бўлишим, — дейди «Тойота» фирмаси ташқи алоқалар бўйича бош раҳбари Токуо Огава. — Бу ерда 1966 йилда зилзила содир бўлганлигига ишониб бўлмайди. Жуда катта қурилиш ишлари амалга оширилганлигини кўриб, ғоятда ҳайратландим. Сизлар астойдил меҳнат қилгансиз. Бундай меҳнатнинг бир учқунини машиналаримизга хизмат кўрсатиш маҳоратини эгаллаётган ўзбек йигитларининг билими ва ғайрат-шижоатида ҳам кўрдим.

П. АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона очилиш маросимидан лавҳалар.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар (ЎзТАГ).

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАРЛАРИДАН

СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Сурхондарёда ташкил этилган Совет—Югославия қўшма корхонаси «Азвест экспресс» деб аталади.

Термиз гўшт комбинати, «Шўрчи» акционерлик жамияти, «Бошқир пойабзали» бирлашмаси, маҳаллий саноат вилоят бошқармаси ҳамда Югославиянинг «Экспресс градня» фирмаси ана шу корхонанинг муассислари бўлишди.

Янги корхона турли хилдаги иншоотларни қуриш ва ундан фойдаланиш, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланади. Жумладан, Шўрчи шаҳрида пойабзал фабрикаси ҳамда карбомид ишлаб чиқариш фабрикаси, новвойхона, касалхона мажмуи, меҳмонхона қуриш режалаштирилган. Корхона шунингдек ташқи иқтисодий фаолият билан ҳам шуғулланади, саёҳатчиликни ташкил этади.

Мазкур қўшма корхонанинг тузилиши ўлка иқтисодиётини ривожлантиришда катта истиқбол очади ва аҳолини иш билан таъминлашдек долзарб муаммони ҳал этишда ёрдам беради.

ВЕНГРИЯ ФИРМАСИ ОРОЛБЎЙИДА

Қорақалпоғистонда томат пастаси ишлаб чиқарадиган Совет-Венгрия қўшма корхонасини тузиш ғояси амалга ошириладиган бўлди.

Венгрия «Ланг» фирмасининг Нукусга келган мутахассислари бошқа муассис — «Аралводстрой» бирлашмасининг вакиллари билан ҳамжиҳатликда цехларни жойлаштиришнинг узил-кесил лойиҳаси ва уларни маҳаллий шароитга уйғунлаштириш масалаларини кўриб чиқишмоқда.

Корхона «Партия XXVII съезди» давлат хўжалиги ҳудудида қад кўтаради. Хорижий шерикларимиз юқори унум билан ишлайдиган линияларни жиҳозлаш ва уларни ўрнатиш ишини ўз зиммаларига олишади, «Аралводстрой» бирлашмаси эса қурилиш ишлари билан шуғулланади. Ана шу қувватларнинг фойдаланишга топширилиши ҳозир тақчил бўлиб турган ярим масаллиқларга бўлган эҳтиёжни анча қондириш учун имконият яратади.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. С. Горбачевнинг 1991 йил 14 ноябрдаги фармонига биноан Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 729 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

«Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

ЎЛКАМИЗ БАДАВЛАТ БЎЛСА...

Шавкат АКМАЛХОНОВ,

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳи директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Бугунги кунда ана шу мустақиллик йўлида жонларини фидо қилган не-не азизларнинг руҳи шод.

Ер ости бойлигимиздан тортиб, пахта, қорақўл, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларигача пеша-пеш марказга ташилгани-ташилган эди. Табиий бойлиги жиҳатидан илғор, тараққий этган мамлакатлар қаторида турган диёримиз ўз мулкига ўзи хўжайин бўлолмасди.

Ҳозир қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби масъулиятли кунларни бошидан кечирмоқда. Ишлаб чиқаришнинг секин ўсиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, халқ турмушининг ночорлиги Иттифоқ ҳукуматининг нотўғри фаолияти туфайли содир бўлди. Республикамизда аграр соҳанинг қийинчиликларга дучор бўлиш сабаблари хилма-хилдир. Шунинг учун ҳам парламентда, ҳукуматда, аҳолининг ҳамма табақаларида мунозаралар, фикрлашувлар, тортишувларда рўй берган вазиятнинг сабабини аниқлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Буни шартли равишда иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, 73 йилдан буён мерос бўлиб келаётган тарихий тартибсизликлар бўлса, иккинчиси, ишлаб чиқариш ва ерга бўлган муносабатларнинг буйруқбозлик асосида амалга оширилиши бўлди. Унинг асосий кўринишлари қуйидагича: деҳқонларнинг ердан узоқлиги, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга ўзи эга бўлолмаслиги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар—буларнинг ҳаммаси қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўсиқ бўлди. Анъанавий турмуш тарзи бузилди, асрлар давомида шаклланган деҳқончилик маданияти оёқ-ости қилинди.

Бироқ рўй берган озиқ-овқат танқислиги сабабини фақат тарихий мерос сифатида таъкидлаш ноўрин бўлур эди. Иттифоқимизда қишлоқ хўжалигининг бугунги аҳволи ва озиқ-овқат таъминотининг тақчиллиги, жамиятимизда мавжуд бўлган сиёсий нотекислик, миллатлараро низо ва республикалараро таъминотнинг бузилиши, транспортнинг ёмон ишлаши энг ноҳуш аҳволга олиб келди.

Донолар ўз халқини боқа олмайдиган давлат ўзини мустақил деб ҳисоблай олмайди, дейишган. Республикамиз мустақил давлат деб эълон қилинди, демак, ҳаммамизнинг биринчи галдаги вазифамиз халқимизни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар билан таъминлаш, бунинг учун эса ўзимизда бор ички имкониятларни қидириб топиб, ишга солиш даркор. Бу эса ҳар бир ишининг — у олимми ёки мутахассисми, раҳбарми ёки оддий ишчи-колхозчими, бундан қатъи назар, ўз соҳасига чуқур кириб боришни, қўлидан келганча мустақил республикамиз равнақига амалий ҳисса қўшишини тақозо этади! Омилкорлик, тадбиркорлик билан иш юритсак, албатта, биз республикамизнинг иқтисодий мустақиллигини тезроқ таъминлашга эриша оламиз.

Озиқ-овқат тақчиллиги, камоматини енгиш учун энг аввало, мустақил равишда товар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларининг ҳақиқий эгалари бўлиши лозим. Бунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқараётган меҳнаткашлар ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлишлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг янги тури — мустақил деҳқон хўжалигини ташкил этиш керак.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигимиз давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамга муҳтождир. Қарз олиш учун зарур шароитларни яратиб бериш, илмий-техника тараққиётини ривожлантириш, солиқлар миқдорини қамайтириш шулар жумласига киради.

Таъминотдаги узилишлар, маҳсулотларнинг харид нархини белгилашдаги беқарорлик қадоқ қўлли деҳқон ва чорвадор кайфиятини чоғ қилмади, албатта. Лекин замон ҳар қанча олаговур бўлмасин, суяги меҳнатда қотган жумҳуриятимиз деҳқон ва чорвадорлари мавжуд куч ҳамда имкониятларини тангликдан чиқиб кетишга сарфламоқдалар. Ана шундай меҳнаткаш, ориятли, номусли халқимизнинг ҳаракати билан Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, 20 миллион эмас, балки 40 миллион халқни тўкин дастурхон билан таъминлашимиз, озиқ-овқатга, кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини тўла қондиришимиз мумкин. Бунга имонимиз комил. Чунки жонажон Ўзбекистонимизнинг қуёш нурига тўкин-сочинлиги, саҳоватли она-тупроғимизнинг баракали имкониятлари, болдек обиҳаёти, деҳқончилик маданятининг юксаклиги, серҳосил экинлар навининг мавжудлиги, бобокалон деҳқонларимизнинг доно фикрлари, заҳматкашлиги, бир-бирига меҳрибончлиги, бағри кенглиги сўзсиз бунга омил бўла олади.

Ана шу эзгу тилакларни амалга ошириш учун илмгоҳимиз олимлари ҳам баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдалар. Самарали якунланган изланишлар ечимини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштирмоқдалар. Шунинг учун ҳам илмгоҳимизда изланишлар олиб бораётган озуқабоп экинлар агротехникаси, озуқабоп экинлар селекцияси ва уруғчилиги, маданий яйловларни ташкил этиш, озуқалар сифатини яхшилаш ва сақлаш, чорва молларини озиқлантириш бўлимлари ишлаб чиққан ечимлари билан соҳани ривожлантиришга ўзларининг муайян ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СИР ЭМАС, четдан келадиган дон, омухта ем кескин камаяди. Бу муаммони ҳал этиш ўзимизга боғлиқ. Имкониятимиз бор. Фақат ундан оқилона, ҳисоб-китоб билан фойдаланишимиз зарур. Шу муносабат билан буғдой экилган майдонларда дони йиғиштириб олингач, дурагай маккажўхорини дон ва силос учун етиштириш деҳқончилигимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланмоғи керак. Шунда ўрта ҳисоб билан гектаридан 30—40 центнердан дон, шунча сомон, биринчи экин ҳисобига 4170—5560 килограммдан озуқа бирлиги олишга эришилади. Сўнгра сифатли ишлов берилиб экилган маккажўхоридан ҳам ўртача 50 центнер дон, 150 центнер поя етиштирилиб, гектаридан 8950 килограмм озуқа бирлиги олишга муваффақ бўлинади.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароит инобатга олинса, республикамизда 600 минг гектар майдонда алмашлаб экиш далаларига экилган беданинг йилига 150—200 центнердан пичан ҳосили олинаётган майдонлари қолдирилиб, 100 центнер ва ундан ҳам кам ҳосил олинаётган майдонлардаги беда ўрнига буғдой, маккажўхори ва оқжўхори экиш зарур. Тўғри, республикамиз бўйича ҳар йили 500—600 тонна оқсил етишмайди. Оқсил муаммосини ҳал этиш мақсадида рапс, соя каби оқсилга бой экинлар майдонини кенгайтиришга йўл очиб бериш вақти келди.

Оралиқ экин сифатида экиладиган кузги рапс ўсимлигининг уруғи таркибида 40—50 фоиз мой бўлиб, ундан озиқ-овқат саноатида, чорва моллари озуқаси сифатида ҳамда техника эҳтиёжи учун фойдаланилади. Мойидан ажраб чиққан кунжараси чорва молларини боқишда ишлатилади. Рапснинг қишда бўладиган қисқа муддатли совуққа чидаши бу экинни дадил экиш мумкинлигини кўрсатади.

Бобокалон деҳқонларимиз қадим-қадим замонлардан бери тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириб бориш ишларига алоҳида эътибор бериб келганлар. Тупроқ унумдорлигини оширишнинг табиий усуллари — ўсимлик илдиз-томирлари, поялари, чорва молларининг чиқитларидан омилкорлик билан фойдаланиш—содда, арзон, ҳаммабоп ва иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Тупроқ таркибидаги фойдали жонзотлар—чувалчанг, микроорганизмлар мўл бўлган жойлардагина тупроқ унумдорлиги кўтарилади.

Республикамиз хўжаликлари ҳар йили 6—7 миллион тонна миқдорда ўсимлик чиқитлари (ғўзапоя, чиғалоқ, маккажўхори сўтаси, қамиш пояси, ёғоч қипиқлари ва бошқалар) тўплаш ҳамда уларни қайта ишлаш имкониятига эга. Лекин бу имкониятдан фойдаланилмаяпти. Ваҳолонки, бундан ўттиз йил муқаддам ана шу ўсимлик пояларидан юқори сифатли, оқсилли озуқа ачитқиси ҳамда гидролизли озуқа қандини олиш технологияси ишлаб чиқилган эди.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 3 та гидролиз заводи — Тошкент вилоятининг Янгийўл районида, Андижон ва Фарғона вилоятларида жамики олинадиган шелуханинг ўттиз фоизини қайта ишлайди. Аслида ана шу маҳсулотларни ўсимлик пояларидан, жумладан, ғўзапоя, каноп чиқитидан, маккажўхори сўталаридан ҳам тайёрлаш мумкин. Бундай экан, шелухани чорва молларига бериб, унинг ўрнига юқорида баён этилган ўсимлик поясидан, чиқитларидан фойдаланишга ўтиш вақти келди. Чиқитсиз технология асосида иш юритишга киришилса, чорва моллари рациони шелуха билан тўлдирилган бўлур эди. Бу ўз навбатида чорвачиликни ривожлантиришга қўшилган салмоқли ҳисса бўлур эди.

МУСТАҚИЛЛИККА эришган давлатнинг ҳар бир фуқароси эндиликда ўз оиласи, қолаверса халқимиз учун сидқидилдан меҳнат қилиши, хайрли ишларга ҳисса қўшиши лозим. Олимларимиз томонидан ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, беда-кўкат массасидан оқсил олиш тажрибаларини махсус ихтисослаштирилган хўжаликларда ташкил этиш зарур. Шунингдек, ўт талқонидан донадор озуқа тайёрлаш ишларини ҳам жонлантириб юбориш керак.

Сифатли озуқа тайёрлаш билан бир қаторда чорва моллари наслини, зотини яхшилаш ҳам асосий омиллардан бири бўлиши шарт. Эндиликда четдан зотли молларни келтириш анча қиқаради. Чунки ҳар бир бош чорва моли тилла ёки валюта ҳисобида келтирилади. Шуни назарда тутиб, наслчилик ишларини ниҳоятда яхшилашга, четдан иложи борича кам мол олишга ҳаракат қилишимиз керак.

Статистика маълумотларига қараганда, республикамиз бўйича ҳар йили ўрта ҳисобда ғунажинларнинг 40—60 фоизи, сигирларнинг 20—25 фоизи бола бермайди. Бунинг асосий сабабларидан бири хўжаликларда мавжуд бўлган сунъий урчитиш пунктларига хўжалик раҳбарлари, мутахассислари эътибор билан қарамаётганлиги, шунингдек пунктларнинг санитария ва ветеринария талабларига мутлақо жавоб бермаслигидир.

Республикамиз хўжаликларида қорамолчиликни янада ривожлантириш ва моллар маҳсулдорлигини ошириш кўп жиҳатдан келгусида подани сифатли маҳсулдор моллар ҳисобига тўлдириб боришга боғлиқдир. Бироқ кўпгина хўжаликларда бузоқларни боқиш ишлари ҳозирги кун талабига жавоб бермаётир. Натижада анчагина фермаларда бузоқларнинг бир кеча-кундуздаги семириши 250—300 граммдан ошмаётир. Бу эса келгусида мўлкўл сут берадиган сигирларга эга бўлишни таъминлай олмайди. Биринчи навбатда эса четдан мол олиб келишни чеклаган ҳолда, республикамизда мавжуд бўлган наслчилик хўжаликлари, наслчилик фермалари, фермер хўжаликлари имкониятларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш зарур. Шундай ишни, энг аввало, наслчилик заводлари фаолиятини тартибга солишдан бошлаш керак.

Маълумки, наслчилик заводининг асосий вазифаси, биринчи навбатда, наслли ёш моллари етказиб бериш ҳамда зотни шу шароитга мослаштириб тарқатишдан иборат. Бизда эса, улар ҳам товар хўжаликлари каби асосан сут, гўшт етказиб бериш режаларига кўмиб ташланган.

Ҳозирги кунда республикамиздаги швиц зотли қорамоллардан 4000 килограммдан сут соғиб олиш имконияти бўлгани ҳолда улардан ўртача 2500—2800 килограммдан маҳсулот олинмоқда. Бу кўрсаткични яхшилашнинг бирдан-бир йўли диёримиз шароитида етиштирилган сермаҳсул сигирлар наслини кўпайтиришдан иборатдир. Бу вазифа Андижон вилоятидаги «Савай» наслчилик заводига юклатилса, хўжалик бу ишни бемалол эплайди. Бунинг учун наслчилик заводи имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланиб, унинг бағрида бир қанча тармоқ хўжаликларини тузиш керак. Шу билан бир қаторда, наслчилик заводларига маҳсулот етиштириш юзасидан белгиланган режаларни қайта кўриб чиқиб, уларга асосан наслчилик ишлари билан аниқ-равшан шуғулланиш имкониятини яратиб бериш керак.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ наслдор молларга бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида асосий зотлар бўйича қўшимча яна наслчилик заводларини ташкил қилиш зарур. Чунки ҳозирги кунда Ўзбекистонда бор-йўғи 7 та наслчилик заводи бўлиб, уларнинг етиштириб бераётган моллари шу куннинг талабига мутлақо жавоб бермаяпти.

Қизилчўл зоти бўйича наслчилик заводи ҳисобланган «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалиги маҳсулдорлиги ҳам талаб даражасида эмас. Шуларни эътиборга олиб, зудлик билан янги наслчилик заводлари ташкил қилиш бугунги долзарб вазифалардан бирига айланиши лозим.

Республикамизда ташкил топган «Савай», «Политотдел», «Красний водопад», «Малик» каби наслчилик заводларида етиштирилган зотдор моллар сонини кўпайтирадиган тармоқ хўжаликларини юзага келтириш зарур. Хуллас, бундай муаммолар кўп.

Менимча, халқимизнинг озиқ-овқатга бўлган талабини тўлароқ қондириш учун аҳоли қўлидаги қорамол ва қўй-эчкиларни кўпайтириш керак. Бежиз айтишмайдику «Халқда бўлса эл ҳам, давлат ҳам тўқ», деб. Шу маънода олганда бу борада ҳукуматнинг эллигинчи — олтмишинчи йиллардаги калтабин қарорлари қишлоқларимизга, айниқса чорвачиликка қанчалик зарар келтирганини эслатиб ўтишга мажбурман. Солиқлар тобора кўпайиб кетгани туфайли аҳолининг шахсий чорваси кескин камайди. Хрушчевнинг сиёсати туфайли одамлар ўз молини кетма-кет сўйиб юборди. Гўштнинг қадри қолмади. Одамлар кўп миқдордаги гўштни кўмиб юборишга, дарёларга оқизишга мажбур бўлишди. Кейинчалик одамлар, айниқса шаҳардагилар мол боқишга безиллаб қолишди. Халқимизнинг «Мол сотсанг, арқонни сотма», «Молинг бўлмаса ҳам унинг қозиғини йўқотма» деган даъваткор гаплари ҳам кор қилмай қўйди.

Энди эса ана шу анъанани тиклаш бирмунча қийин кечяпти. Ҳайриятки, жумҳуриятимиз Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Шу боис аҳолининг шахсий хўжалигида ҳам чорва моллар кўпайиб бормоқда. Бироқ айрим район ва хўжаликларда Фармонни бажаришда сусткашлик қилинаётганлиги ачинарлидир. Бунинг устига кўп жойларда ветеринария хизмати аҳволи яхши эмас. Ана шунга эътиборни кўчайтириш зарур.

Санаб ўтилган бу муаммоларни ҳал этишда эса билимдон мутахассисларнинг роли чексиздир. Шунинг учун олий ўқув юртларида тарбияланаётган талабаларга давр талаби асосида чуқур билим бериш даркор. Олийгоҳни битириб чиққан ёш мутахассис чет тиллардан бирортасини мукаммал билиши, иқтисодиётни чуқур ўзлаштириши, ривожланган мамлакатлар иш услубидан, тажрибасидан хабардор бўлиши, ишбилармон бўлиши шарт. Янгиликларга қизиқувчан, ҳамиша изланишда бўлиши лозим.

Деҳқончилик ва чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган ёрдамчи корхоналар ташкил этишда жонбозлик кўрсатиш пайти келди. Шундагина ишларимиз унумли бўлиб, мустақил республикамизнинг пири-бадавлат бўлиб кетишига мустаҳкам замин яратилади.

• ХАЛҚ ҲАҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛГАНИ УЯЛМАЙСИЗМИ?

НАЗОРАТ БЎШАШГАЧ...

ЕКИ ҚАРОР БОШҚАЮ, ИЖРО БОШҚАЛИГИ ХУСУСИДА

Ҳамма соҳада бўлгани каби Андижон савдо тармоқларида ҳам ўзининг ишбилармонлиги, ташкилотчилиги, халққа ғамхўрлиги, фидойилиги, инсоф доирасидан четга чиқмаслиги билан элга танилган кишилар бор. Улар Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Ғанижон Солиев, Тоҳиржон Қобулов, савдо даргалари Алижон Сиддиқов, Абдуғани Ҳамидов, Салимжон Иминов, Шербек Отахонов, Аваздек Исмонлов, Юсуфжон Тешабоев, Содиқжон Тошматов ва бошқалар. Югуриб-елиб халққа хизмат қилаётган бундай савдо ходимлари шаънига раҳматлар айтгинг келади. Лекин ҳамма савдо ходимлари ҳам шундай эмас. Улар орасида ноқобил, бепарволари ҳам йўқ эмас.

Жумҳуриятимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов шу йил 23 октябрда Андижон вилоятида бўлган вақтида қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат ва бошқа энг зарур моллар билан таъминлашда йўл қўйилган қатор камчиликларни кўриб, қаттиқ ранжиди ва вилоят матлубот кооперацияси раҳбариятига жиддий эътирозлар билдирди.

Шундан кейин вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси жумҳурият Олий Кенгашининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот қўмитаси томонидан юборилган бир гуруҳ мутахассислар билан ҳамкорликда республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССРда аҳолига энг зарур молларни белгиланган миқдорда сотишни назорат қилишни кучайтириш» тўғрисидаги 59-сон қарори ва чақчовчиликка ҳамда сандоғдаги суиистеъмолчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Қонунининг бажарилиши юзасидан текширув ўтказдилар.

Текширишда мазкур қарор ва қонун қониқарсиз бажарилаётганлиги аниқланди. Аҳолига сотилаётган озиқ-овқат ва энг зарур моллар ҳисоби тўғри юритилмаётгани, савдо залларига омборларда сақланаётган моллардан намуналар қўйилмаётгани, ажратилган фондларга асосан моллар чакана савдо шохобчаларига турлари бўйича ўз вақтида етказиб берилмаётгани маълум бўлди.

Олтинкўл район матлубот жамиятига қарашли 36-дўкон текширилганида ароқ, ўсимлик ёғи, гурунч, чой, макарон маҳсулотлари йўқлиги аниқланди. Дўкон мудирининг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши натижасида омборхонадаги 4,5 тонна биринчи нав ундан савдо залига кўргазма учун қўйилмаган. Олтинкўл районида бўйича 30 тонна совундан 3 тоннаси, 70 тонна ўсимлик ёғидан 20 тоннаси, 15 тонна чойдан 4 тоннаси олинган, холос.

Чинобод матлубот жамияти дўконларида аҳоли эҳтиёжи қондирилмаяпти. 2-гастроном омборхонасида 7 қоп ун, 52 килограмм пряник, 48 килограмм карамель, 96 банка балиқ консерваси ва бошқа маҳсулотлар бўла турриб, улардан савдо залига намуналар қўйилмаган. Бу дўконда макарон, ўсимлик ёғи йўқ. Улгуржи савдо базасининг директори Н. Комилов аҳолига зарур моллар ўз вақтида етказиб берилишини таъминламаган.

Балиқчи районида ароқ савдоси қўпол равишда бузилган, у барча савдо шохобчаларига тарқатилмасдан, фақат битта махсус дўконда сотилади. Бу эса аҳоли га катта қийинчилик туғдиряпти.

Пахтаобод матлубот жамиятига қарашли 15-гастроном омборхонасида сақланаётган 30 қоп биринчи нав ўннинг кирим ҳужжати йўқ. Марҳамат район матлубот жамиятида ҳам савдо-сотиқ ишлари кўнгилдагидек эмас. Режалаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашда жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда.

Марҳамат шаҳридаги Мамажонов мудирлик қилаётган 20-, Қорақўрғон қишлоғидаги И. Мамарозиқов бошқараётган 72-, Калинин номли қарашли 26-магазин мудири Зулунбой Дадабоев 25 августдан бери базадан ўсимлик ёғи келтирмаган. Шу қишлоқда яшовчи Ўлмасхон Назирова ва бошқалар республика Президенти И. А. Каримов билан учрашувда магазин ишидан норози эканликларини айтишган. Текширувда аҳолига зарур моллар кам сотилаётганлиги ўз тасдиғини топди. Матлубот жамияти уюшмаси бўйича октябрь ойига ажратилган 110 тонна ўсимлик ёғидан 20 октябргача 25 тоннаси, 23 тонна чойдан 5 тоннаси, 46 тонна совундан фақат 7 тоннаси олинган, ароқ ва макарон мутлақо олинмаган.

Андижон районлараро улгуржи савдо базаси эса савдо ташкилотларига ажратилган молларнинг тўлиқ берилиши устидан назорат қилмай қўйган.

Бу мисоллардан кўринib турибдики, аҳолига энг зарур моллар етарли миқдорда бор. Лекин, улар базаларда, омборларда тахланиб ётибди. Юқорида номлари тилга олинган матлубот кооперацияларининг масъул ходимлари уларни ўз вақтида олиб чиқиб халққа сотишмаяпти. Андижон вилояти матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви ҳайъати бу масалага принципиал баҳо берди. Савдо-сотиқ ишларида нуқсонларга йўл қўйганликлари, аҳолига сотилаётган озиқ-овқат ва саноат моллари ҳисобини тўғри юритмаганликлари, ажратилган молларни чакана савдо шохобчаларига ўз вақтида етказиб бермаганликлари учун Олтинкўл район матлубот жамияти бошқаруви раиси М. Иброҳимов, Булоқбоши матлубот жамияти бошқаруви раиси С. Холбоев, Марҳамат район матлубот жамияти бошқаруви раисининг савдо бўйича муовини Х. Омонов, Пролетар матлубот жамияти бошқаруви раиси Ҳ. Собиров, Ҳакан, Чинобод матлубот жамиятлари бошқарувлари раислари Сатторов, Иброҳимовлар вазифаларидан четлатилдилар. Бу ҳақдаги масала пайчиларнинг умумий йиғилишларида кўриб чиқиладиган бўлди.

Андижон матлубот жамияти раиси Қ. Мажидов, Марҳамат район матлубот жамияти раиси Ш. Абдусатторов, Асака район матлубот жамияти раиси А. Дадахоновларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилиниб, қисқа вақт ичида аҳволни тузатиш, агар аҳвол ўнгланмаса уларга ишдан бўшатишгача чора кўрилиши айтилди.

Белгиланган меъёрдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана савдо дўконларини талаб даражасида таъмин этмаганлиги, 70 тонна шакарни ўз вақтида қабул қилиб, савдо шохобчаларига етказиб бермаганлиги учун Пахтаобод район улгуржи савдо базасининг директори М. Болтабоев вазифасидан четлатилди.

Вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви ҳайъати республика ҳукумати қарорининг жойларда тўла ва тўғри бажарилишини қатъий назорат қилишни тегишли кишилар зиммасига юклади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

Асака ёғ-экстракция заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати анча яхшиланди.

Бу нафақат истеъмолчиларнинг фикри, айни вақтда лабораторияда ўтказилган текширишларнинг натижаси ҳамдир. Бундай натижага эришишда корхонани тубдан ремонт қилиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ёрдам берди.

Заводнинг амалда барча бўлинмалари янгиланди. Лекин унинг асосий цехларидан бири — экстракция цехида ҳаммадан кўп ўзгариш бўлди. Бу ерда Германиядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилди. Машиналар пишиқ-пухта ишлайди, юксак унумдорлиги билан ажралиб туради, экология жиҳатидан тоза, ишчилар меҳнатини анча енгиллаштиради.

ҲАР БИР ОИЛАДА ГУРУЧ БЎЛАДИ

Сурхондарёдаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигининг ҳар бир ходимига 100 килограммдан шоли ажратилди.

Тўғри, у текинга берилгани йўқ. Лекин нархи жуда арзон: бир килограмми атиги 50 тийин туради.

Бу йил хўжаликда 300 гектар ерга шоли экилди, илгари ана шу майдонда пахта етиштириларди. Шолизорлардан юқори ҳосил олинди, унинг кўпчилик қисмини ишчиларга сотишга қарор қилинди. Бундан ташқари деҳқонлар уруғлик учун анчагина шоли олиб қолишди.

(ЎзТАГ).

Эшитмадим, деманглар!

МАМЛАКАТДА

РАИС ДАЪВАТИ

Давлатлараро иқтисодий комитет раиси Иван Силаев СССР Олий Кенгашини тўртинчи квартал учун фавқулодда Иттифоқ бюджетини тасдиқлашга ҳамда СССР Давлат банкига бюджет харажатларини маблағ билан таъминлаш учун 30 миллиард сўм миқдорда қарз беришга рухсат этишга чақирди.

Комитет раиси Иттифоқ парламенти палаталари қўшма мажлисида СССР Президенти Михаил Горбачевдан сўнг сўзга чиқди. У даромадлар кескин камайиб кетганлиги сабабли Иттифоқ бюджети харажатларини қоплаш учун қарз бериш зарур бўлиб қолганини таъкидлади.

Москвада Совет-Италия қўшма корхонасининг магазини очилди. Бу ерда пластмассадан тайёрланган 500 хилга яқин маҳсулот тури намойиш этилмоқда.

ЯНГИ ЛАВОЗИМДА

СССР Президенти Михаил Горбачев имзо қўйган Фармонга мувофиқ Эдуард Шеварднадзе СССР ташқи алоқалар вазири лавозимига тайинланди.

Россия ташқи ишлар вазири А. Козирев вазирни лавозимга тайинланганлиги муносабати билан табриклади ҳамда бу тайинланиш «Иттифоқ сиёсатини ҳамда Иттифоқ ташқи сиёсий фаолиятини даар эҳтиёжларига мувофиқ тарзда ислоҳ қилиш учун янада қатъийроқ йўл тутишга» ёрдам беради, деб умид билдирди.

Келаси йилдан бошлаб Нижний Новгород шаҳридаги автозавод «Волга» машинасининг янги хилини ишлаб чиқаради. Янги машинага қувватли двигатель ўрнатилиб, олд қанотларининг шакли маълум даражада ўзгартирилади. Суратда: «ГАЗ—301029» машинаси модели.

(ТАСС фото—хроникаси).

МОЛДОВА БОШ ВАЗИРИНИНГ ФИКРИ

Молдова бош вазири В. Муравский республика талаба ёшлари вакиллари билан учрашди. У собиқ Иттифоқдаги республикалар билан барча алоқаларни узиш мумкин эмаслигини уқтирди. Унинг фикрича, Молдованинг бошқа жумҳуриятлар билан уйғунлашиш даражаси Европа ҳамжамияти мамлакатлари ўртасидаги мавжуд даражадан баланддир.

ТАЪЗИЯ БИЛДИРИЛДИ

20 ноябрь куни соат 16 дан 30 минут ўтганда Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти Мартуни районидаги Қоракент қишлоғи яқинида вертолёт фалокатга учраган. Вертолёт қуюқ туманда тоғга урилиб ёниб кетган. Экипаж аъзоларидан ташқари вертолётда 20 киши бор эди.

СССР Президенти Михаил Горбачев ва РСФСР Президенти Борис Ельцин ҳалок бўлган оилаларнинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиришди.

(ТАСС ва марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

• Аҳвол қалай, ишбилармонлар?

Узбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилинишини жумҳурият ишбилармонлари қувонч билан кутиб олишди. Эндиликда уларнинг эркин фаолиятлари учун имкониятлар доираси кенгаяди. Хориж билан тўғридан-тўғри алоқа қилишга шароитлар яратилди. Республика ишбилармонлари мақсади—истеъмол бозорини буюмлар билан тўлдириб, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш ва шу тариқа ҳамжиҳатлик билан иқтисоднётни тангликдан чиқаришга қаратилган. Бу йўлдаги саъйи-ҳаракатлар ҳозирданоқ халқ хўжалигининг турли тармоқларида бошлаб юборилди. Хўш, қандай хайрли ишлар амалга оширилянти! Жамоатчи мухбиримиз тадбиркорлар билан шу ҳақда суҳбатлашди.

ИЛК ОДИМЛАР

ҚЎШМА КОРХОНА ИМКОНИЯТИ

Яқинда жумҳуриятимизда «Узбекчиқин» (чиқин—инглизчасига жўжа дегани) Совет-Америка қўшма корхонаси ишга туширилди. Уни «Узптицепром» жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Нью-Йоркдаги «Агритош Интернейшнл Инк» фирмаси вакиллари ҳамкорликда ташкил этишди. Мазкур қўшма корхонани тузиш тўғрисидаги шартномани Америка томонидан фирма президенти, асли бухоролик М. Хаимофф имзолади.

— Бизнинг қўшма корхонамиз жумҳуриятдаги тўртта йирик паррандачилик корхоналари бўлмиш — Тошкент, Чимён, Каттақўрғон ва Самарқанд бирлашмалари асосида ташкил этилди, — дейди М. Хаимофф. — Улар ўз асосий ишлаб чиқариш фондларини ижарага бериб, янги корхона таъсисчилари ҳам бўлишди.

Ҳозир озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил бўлиб турган бир пайтда бундай корхонанинг тузилиши жуда катта аҳамиятга эга. Уни ташкил этишдан мақсад — жумҳуриятда паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаб, ассортиментини кенгайтиришдан иборат.

Ҳисобларимизга қараганда, юқоридаги паррандачилик хўжаликлари уч йил ичида гўшт етиштиришни икки баравар ошириш ва унинг ҳажмини 31,5 минг тоннага, тухум етиштиришни эса 410 миллион донага етказиш имкониятига эга бўлишади.

Хўш, нималар ҳисобига бундай кескин ўсишга эришиш мумкин? Албатта, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни замонавий технология билан янгилаш эвазига шундай ўзгаришга муваффақ бўлиш мумкин. Янги технологияни келтириб ўрнатишни эса бизнинг фирмамиз ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, биз шерикларимизда етишмайдиган озуқа маҳсулотлари, витаминлар, инкубация тухумлари, идиш ва ўраш маҳсулотларини етказиб берамиз.

Ҳозирги режаларимиз ана шундан иборат. Келгусида эса камқувватли Бағдод ва Риштон паррандачилик фабрикаларини бирлаштириб, куркатовуқлар етиштириб сотадиган йирик корхона ташкил этишни мўлжаллаб турибмиз. Бу ерда даставвал 500 минг бош парранда гўшти тайёрланади. Кейинчалик бу кўрсаткич 2 миллионга етказилади.

Ўйлаймизки, бундай ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам фойда келтиради.

МУЛКЧИЛИКНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

Самарқандаги «2-Узагротранс» махсус қурилиш ижара корхонаси меҳнат аҳли жумҳурият қишлоқ қурилиши бирлашмасидан асосий фондларни сотиб олиб, жамоа мулкига айлантирди. Шу тариқа тармоқда биринчи бўлиб, мулкчиликнинг янги шакли вужудга келтирилди.

Бу ҳақда корхона раиси Р. Налбандян шундай дейди:

— Бундан икки йил аввал мен раҳбарлик қилган трест жамоаси «Узагрострой»дан барча асосий ишлаб чиқариш фондларини 18 миллион сўмга сотиб олиб, ижара корхонаси сифатида фаолият кўрсата бошлади, — дейди Роза Амиржоновна. — Бизга айланма маблағ ва илгаридан йиғилиб қолган иқтисодий ривожланиш фондлари ҳам берилди.

Аслида трестимиз ташкил этилгандан буён юқори самара билан ишлаб келмоқда. Ижарага ўтганимиздан кейин биз барча техника ва ускуналардан беш йил мобайнида унумлироқ фойдаланишни ўз зиммамизга олдик. Бинолар, ер усти муҳандислик коммуникация иншоотлари ҳамда ер ости йўлларини қуриш, ободонлаштириш бўйича комплекс ишларни бажариш, технология қувур йўллари, насос станцияларини монтаж қилиш сингари асосий вазифаларни белгилаб чиқдик.

Ҳозир корхонамиз таркибида Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари қишлоқ қурилишларига кўмаклашувчи 13 та махсус механизациялашган кўчма колонналар фаолият кўрсатяпти.

Очиғи, корхонани сотиб олиш шартмиди, шундоқ ҳам у самарали ишлаётган эдику, деб сўровчилар анчагина. Тўғри, «Узтрансспецстрой» ҳар йили 5 миллион сўм даромад олади, қурилиш-монтажлаш ишларининг ҳар бир сўмига 22 тийин ҳаражат қилади. Самарадорлик даражаси 20,7 фоизни ташкил этиб, ишчиларимиз ойига ўртача 500 сўмдан маош олишади.

Лекин гап шундаки, биз фақат жамоа мулки эгаси бўлсакгина ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайинларига айланамиз ва янада кўпроқ ишларни бажаришга бутун кучимизни сарфлаймиз.

Зеро, бундай шароитда бизнинг ҳуқуқларимиз, имкониятларимиз кўпайган бўлади. Масалан, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш кенгаяди, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш яхшиланади. Энг муҳими, корхоналаримиз маҳсулотларининг бир қисмини ўзимиз сотишни йўлга қўямиз.

Бинобарин, тартиб-интизом ҳам ўз-ўзидан йўлга тушиб кетади. Ростини айтганда, бу борада ҳали ҳаммаси ҳам ризоладагидек эмас. Дейлик, кўпгина буюртмачиларимиз — умумий қурилиш трестлари бизга иш кўлами яратиб беришда амалдаги тартибларни бузишади. Биз қурилишни ички коммуникацияларни тиклашдан бошлаб, ободончилик ишларини бажариш билан тугаллаймиз.

Бироқ хўжалик юритишнинг эски усуллари ҳанузгача бартараф этилган эмас. Шу боис, буюртмачиларимиз миллион сўмлаб қарзларни тўлашга шошилишмаяпти.

Биз бундай ҳолларга чек қўйиш мақсадида корхонани сотиб олдик. Яъни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилдик, иқтисодий мустақилликка эришдик. Эндиликда бюджетдан қолган ҳаражатларнинг ҳаммаси корхона ва унинг вилоятлардаги бўлинмалари ихтиёрига берилади. 1991 йилда ана шундай маблағлар 5,5 миллион сўм бўлиши кутилмоқда.

Бундан кейин хўжалик даромади ҳар йилига ошиб бораверади. Унинг катта қисми истеъмол фондига, моддий рағбатлантиришга, дам олиш ва соғломлаштириш йўлланмалари ҳақини тўлашга, нафақахўрлар, кўп болали ишчи-оналар аҳволини яхшилашга ажратилади.

Албатта, жамоа мулки эгаси бўлиш зиммадаги масъулиятни оширади. Шу боис, биз ҳамжиҳатлик билан корхонамизни тармоқдаги рақобатбардош корхоналардан бирига айлантириш учун бутун куч-қувватларимизни ишга соламиз.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ КЕНГАЯДИ

Қишлоқда қурилишни ривожлантириш мумкинми? Эндиликда бу саволга янги ташкилот—жумҳурият жамоа хўжаликлари қурилиши давлат-кооператив бирлашмаси («Узколхозстрой») бинокорлари жавоб беришади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан қайтадан тузилган ушбу пудрат ташкилоти қишлоқ қурилишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга йўналтирилган.

Хўш, янги бирлашма қишлоқда қандай ўзгаришларни амалга оширади? Бу ҳақда бирлашма режа-иқтисод бошқармаси бошлиғи Э. Абдуқодировдан фикр-мулоҳазалари сўрадик.

— Биз 1992 йилдан бошлаб қишлоқ меҳнаткашлари учун уларнинг маблағлари ҳисобига пудрат усулида уй-жой қуришни кенгайтиришни кўзда тутяпмиз, — дейди бошқарма бошлиғи. — Албатта, бу соҳада кўплаб шартномалар тузиш имкониятлари мавжуд.

Деҳқонларга мўъжаз фермер хўжаликлари, дала ҳовлилари, гаражлар тиклашда пулли хизмат кўрсатиш, бирлашмада тайёрланган бинокорлик материалларини уларга сотиш йўлга қўйилади. Айниқса, якка тартибда уй қураётганларга ёрдам беришга эътибор кучайтирилади. Улар уй-жой қуриш лойиҳалари билан таъминланади.

Ҳозир янги ташкилот ўз ишлаб чиқариш базасини такомиллаштириш ҳамда қувватларини оширишга ҳаракат қиляпти. Бу асосан корхоналарни таъмирлаш ва техник қайта қуроллантириш ҳисобига бўлмоқда. Эндиликда хорижий фирмалар, тармоқдаги бошқа корхона ва ташкилотлар билан ҳам пайчилик асосида қўшма корхоналар тузиш масаласи ўрганилмоқда. Дейлик, ғишт заводлари, норуда материал конлари, пардозлаш буюмлари тайёрлайдиган мўъжаз корхоналар ташкил этиш кўзда тутиляпти.

Умуман олганда, биз жамоа хўжаликларида қурилиш ва уни режалаштиришни бутунлай қайта кўриб чиқиб, янги йил арафасида аниқ дастурларни белгилаб олишимиз керак.

Ҳозиргача бизга тегишли қурилиш ташкилотлари 110 минг квадрат метр уй-жой, 18 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 3505 ўринли болалар боғчалари, поликлиникалар, клублар ва бошқа маиший иншоотларни барпо этишиб, қишлоқ меҳнаткашларини хушнуд этишди. Қишлоқ аҳлининг талабларини эътиборга олиб, бинокорларимиз келгуси йилда қурилиш ҳажмини бир неча баравар кенгайтиришга аҳд қилишган.

И. АҲМЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.







● Тошкент вилояти Калинин райони соғлиқни сақлаш бўлими тиббиётчилари аҳоли саломатлиги, айниқса, қариялар сиҳатини муҳофаза қилиш йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Яқинда ана шундай мақсадда ҳашар йўли билан фахрийлар шифохона-санаторийси қад ростлади.

Шифохона учун энг кўркам, баҳаво ерлардан 3 гектар майдон ажратилди. 120 ўринга мўлжалланган бу тиббий масканда фахрийлар учун барча шароит мавжуд. Бу замонавий шифохонани райондаги «Ижодкор» ширкати қурувчилари сифатли қилиб фойдаланишга топширдилар.

СУРАТДА: фахрийлар шифохона-санаторийсининг очилишига бағишланган тантаналардан лавҳалар ўз аксини топган.

Ваҳоб ТЎРАЕВ сурати.

• Ёднома •

ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Халқига, Ватанига, эътиқодига умр бўйи содиқлик билан хизмат қилиб, бунёдкорлик ишига ўз улушини қўшган халқ фарзандлари ҳеч қачон унутилмайди, доимо чуқур ҳурмат ва муносиб ардоқ билан эслаб келинади. Шундай кишилар қаторига атоқли электротехник олим, ажойиб педагог, жамоат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Музаффар Зоҳидхонович Хомидхонов ҳам киради. У ҳозир ҳаёт бўлганида 75 ёшга тўлган бўлур эди.

Музаффар Хомидхонов 1916 йили деҳқон оиласида таваллуд топди. 1934 йилда Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг ишчилар факультетини тамомлагач, Ўрта Осиё индустриал олийгоҳининг энергетика куллиётига ўқишга киради. Ўқишни аъло баҳолар билан якунлаган Хомидхонов 1940 йилда шу куллиётнинг саноат корхоналарини электрлаштириш кафедрасига аспирантурага қабул қилинади. Аспирантлик билан бирга унинг педагогик фаолияти ҳам бошланади.

1946 йилда номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлаган ёш олим яна қадрдон кафедрага қайтади. У аввало доцент, 1953 йилдан эса кафедра мудири бўлиб ишлайди.

1960 йилда частотасига кўра бошқарилувчи ўзгарувчан ток электрик юритмаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этишга тааллуқли муаммо устида олиб борган ишлари ниҳоясига етади ва Хомидхонов СССР Фанлар академиясининг бутун дунёга машҳур бўлган Автоматика ва телемеханика илмгоҳи илмий кенгашида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди.

1956 йилдан 1962 йилгача олим Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика илмгоҳида директорлик лавозимида ишлайди. У илмгоҳда автоматика ва телемеханикага оид лабораториялар ташкил этиш ҳамда ёш илмий кадрлар тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилди.

1962 йилда Музаффар Хомидхонов Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо ва академия раёсатининг Бош илмий котиби қилиб тайинланди. Бу ерда унинг кўп қиррали илмий-ташкилий ишларни бошқаришда ёрқин истеъдод соҳиби эканлиги намоён бўлди.

1972 йилдан умрининг охиригача М. Хомидхонов Тошкент политехника олийгоҳининг ректори бўлиб, Иттифоқдаги энг йирик ўқув даргоҳларидан бирини бошқарди.

Давр талаби ва ҳаёт тақозосини чуқур ҳис этишлик, илмий, лойиҳа ва технологик ташкилотлар, олий ўқув юртлари билан бевосита ҳамкорликда ижод этиш, янги илғор фан-техника тараққиётига хос бўлган йўналишларни бехато аниқлаб, улар ривожига кенг йўл очиш —буларнинг барчаси М. Хомидхонов учун кундалик ҳаёт мезони бўлиб қолган эди.

Олимнинг биринчи асари 1944 йилда босилиб чиқди. У электротехника ва электрик юритмалар соҳаларида олтита монография, 250 дан ортиқ илмий мақолалар ёзди. Ўнлаб ихтиролар қилди. Электрик юритмадан ўзбек тилида терминология ишлаб чиқиб, биринчи ўзбек тилидаги дарслик — «Электрик юритма ва автоматик бошқариш»ни яратди.

Унинг кейинги ижоди асосий йўналиши электромеханиканинг муҳим муаммоларини ечишга бағишланди. Олим бу соҳада янгидан-янги электрик юритмалар схемаларини, уларни ҳисоблашнинг усулларини таклиф этиб, ишлаб чиқдики, булар саноат корхоналарини автоматлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, олим электр машиналари ва аппаратлари таркибида магнитли диэлектрикларни қўлланиш, трансформаторларнинг янги турларини яратиш, вентилли ўзгармас ток моторлари ва бошқа қатор муҳим масалалар устида назарий, амалий ишлар олиб борди.

Олимнинг кўпгина таклифлари Чирчиқ электрокимё комбинати, «Ташсельмаш» заводи, талай электр станциялари ва турли саноат корхоналарида жорий этилди.

Хомидхонов яратган илмий мактаб ва бу мактабнинг ижодий ютуқлари Польша, Швейцария, Англия, Франция ва бошқа қатор хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро конференция, симпозиум ва кенгашларда юқори баҳоларга сазовар бўлди.

Тошкент политехника олийгоҳи кафедраларидан бири, энергетика куллиёти ҳамда Тошкент кўчаларининг бири М. Хомидхонов номи билан аталиши халқимизнинг олимга эҳтиромининг ифодасидир.

Неъмат УСМОНХЎЖАЕВ,
Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, техника фанлари доктори, профессор.

ДАВР ЎЗГАРМОҚДА

Ўзбекистонда ҳозир кескин нуфус вазияти юз берди. Яқин вақтларда ҳам таниқли «новаторлар» нуфус вазиятини яхшилаш учун маъмурий-буйруқ усуллари билан туғилишни кескин камайтиришни таклиф қилар эдилар. Бундай кўнгилсиз тадбир ташаббускорлари жамоатчиликнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиб, пароканда бўлишди.

Етарли даражада билимдон кишилар кўп болалик — болалар ўлимининг рекорд даражасига, даҳшатли турмуш шароитига, энг оддий дори-дармонлар ҳам топилмайдиган турли касалликларга қарши ўзига хос жавоб эканлигини тушунадилар. «Мумкин қадар камроқ туғиш керак», «Овқатни ҳам, кийимни ҳам тежаш лозим» деган маслаҳатлар кам эмас, аммо республика аҳолисининг даромадларини, ҳақиқий турмуш даражасини ошириш зарурлиги тўғрисида ҳеч ким гапирмаяпти.

Жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби аҳолининг турмуш даражаси ортиши билан туғилиш табиий равишда энг мақбул даражагача камаяди. Шу сабабли одамларни туғилиш суръатлари билан чўчитмаслик керак, бунинг ўрнига фуқаролар турмуш даражасини ошириш ҳақида ўйлаш лозим. Катта харажатлардан эмас, кам даромаддан қўрқиш керак, деган нақл бор. Ўзбекистонда эса кўпчилик фуқароларнинг даромадлари, айниқса қишлоқ жойларида жуда кам.

Собиқ СССРда ҳақиқий байналмилалчилик тўғрисида кўп гапиришарди. Совет давлати асосчисининг ўзи ҳам бир эмас, бир неча марта бирорта миллатга ҳам бошқаларига нисбатан алоҳида имтиёзлар бермаслик керак, деган эди. Амалда эса бу адолатли қоидага, бошқа кўп қоидаларга ҳам ўн йиллаб риоя қилинмади. Халқлар ва уларнинг тиллари тенглиги тўғрисидаги гаплар қуруқ гап бўлиб қоларди.

Миллатлараро ва тилларо муаммолар метрополия — мустамлака тарзидаги алмисоқдан қолган эски империя ҳолатида эди. Бу эса метрополия тили мустамлакаларда маҳаллий аҳолининг она тилидан устун бўлиши кераклигини билдирарди. Тил соҳасидаги сиёсатда машъум байналмилалчилик ҳам, тенг ҳуқуқлилик ҳам йўқ эди. Ҳозир собиқ Иттифоқнинг кўпгина мустақил республикаларида тарихий ҳақиқат тикланмоқда. Бу миллатчилик кўринишлари эмас. Табиийки, ўзбек халқи ҳам уйғониб, ўз юртида ўз она тилида гаплашишдек қонуний ҳуқуқини амалга оширмоқда.

Давр ўзгаряпти, эҳтимол бу Ўзбекистонда яшовчиларнинг ҳаммасига ҳам ёқавермас. Масалан, тошкентлик В. Глахтеева «Литературная газета»нинг 1991 йил 30 октябрь сонида бундай ёзади: «Тошкентда яшаб бўлмай қолди, ўзбеклар ҳаддидан ошиб кетди». Лекин бу ҳаддидан ошиш нималарда намоён бўлаётганлигини тушунтириб бермайди. Чамаси жамоатчилик олдида мулзам бўлиб қолмаслик учун рўй-рост гапирмайди. Бунинг оқибатида ўзбеклар тўғрисидаги гап тағин ҳам туҳматлироқ тус олади. Чамаси у ўзбеклар билан фақат магазинларда гаплашса керак, шу сабабли у «ўзбекларнинг деярли ҳаммаси савдо соҳасида» деб ёзади. Сўнгра В. Глахтеева қуйидагиларни ёзади: «касалхонага бормайман, у ерда ҳам «ўшалар». «Ўшалар» деганда у ўзбекларни кўзда тутаётган бўлса керак. Муҳтарам В. Глахтеева, мени кечирасиз-у ўзбек тиббий ходимлар, ўзбек савдо ходимлари асосан қаерда бўлиши керак!? Францияда ёки бошқа бирор мамлакатда бўлиши керакми? Агар Глахтеева ҳақиқатан ҳам касалхонага борганида эди, у ерда ўзбеклардан ташқари тожикларни, русларни, корейсларни ва бошқа миллат вакилларини ҳам учратган бўларди, бу ҳеч кимга сир эмас. Глахтеева яна бир нарсани эслатиб ўтганда яхшироқ бўларди, ўзбеклар оғир кетмон ёрдамида қулларча меҳнат қилиб, «оқ олтин» етиштиришни ҳам ўзлари эгаллаб олишган, бу фаолиятга европаликларни яқинлаштирмаяпти. Айни пайтда ўзбеклар Ўзбекистон ерлари қаъридаги гоят сифатли сариқ металл—олтин қазиб чиқаришни европаликлар елкасига «ортиб қўйишган», бунинг эвазига ўзлари сариқ чақа ҳам олишмаган.

В. Глахтеевага ўхшаган одамлар туб аҳолидан ўзларини четга тортишади, улар республиканинг давлат тилида саломлашишни ўрганишни ҳам хоҳлашмайди. Бундай одамларнинг бошқа ҳар қандай давлатда ҳам яшаши қийин бўлади.

Яна у «республика қочоқларни жойлаштиришга доир барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак» деб ёзади. Истиқомат жойини ўзгартириш ҳар бир кишининг ўз шахсий иши ва ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқни амалга оширишга давлат тўсқинлик қилмаслиги лозим, СССРни худди шу хусусда асосли равишда айблар эдилар. Бу нотўғри иш маълум даражада ҳозир ҳам, масалан қрим татарларига ва бошқаларга нисбатан давом этмоқда.

Глахтеева Ўзбекистондан кета олмаслигини, чунки бу ердан кўчиб кетиш учун давлатдан сотиб олган квартирасини ташлаб кетишига тўғри келишини, уни фақат кимгадир совға қилиш мумкинлигини ёзади. Бу гапларга ишониб бўлмайди, Тошкентда квартирага талаб камайгани йўқ.

Бундай мақолалар миллатчилик тусида бўлиб, фақат ўзбекларни эмас, бошқаларни ҳам таҳқирлайди. Бундай мақолалар марказий нашрларда тез-тез пайдо бўлаётганини таъкидлаб ўтиш керак. Маълумки маданият савияси паст бўлган тақдирда турмушда миллатчилик ҳамма жойда бир хил намоён бўлади. Бу тоталитар турғунлик даврида оддий воқеа эди, аммо бу ҳақда матбуотда ёзилмас эди. Ҳозир эса айрим кишилар бундай жузъий воқеаларни алоҳида бир ҳодисага айлантиришни истамоқдалар.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганлиги ва ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги муносабати билан (бошқа мустақил республикалардаги каби) рус тилида гаплашувчи аҳолининг бир қисмида республикадан кўчиб кетиш истаги пайдо бўлиши мумкин. Бироқ Ўзбекистон республикадан маълумотли, юқори малакали рус тилида гаплашувчи аҳолининг чиқиб кетишидан манфаатдор эмас. Ўзбекистонда шуниз ҳам жўн бўлмаган миллий муаммолар баъзан сунъий равишда кучайтирилмоқда.

Ҳозирги вақтда аҳолининг табиий кўчиб юриш жараёни собиқ СССРнинг бутун ҳудудидаги қонуний ҳодисадир. Ўзбеклар табиатан бошқа миллатларга нисбатан етарли даражада сабр-бардошли халқ. Бошқа халқлар каби ўзбек халқи ҳам меъёрий миллатлараро муносабатлардан манфаатдордир. Носоғлом миллий туйғулардан фойдаланишга уринманг!

Ўзбекистонда одамлар қайси тилда гаплашиши керак деган масала одоб доирасидаги масала эмас, бундай масала ўринсиздир. Бир вақтлар Жазоирда французлар араблар билан —француз тилида гаплашишни мақбул кўришарди. Давр ўзгарди. Энди французлар фақат француз тилида гаплашишни талаб қилишмайди. Бизда ҳам давр ўзгармоқда. Бошқа мамлакатларнинг тажрибаси миллатлараро муаммоларни умумбашарий ахлоқ қадриятлари асосида ҳал қилиш яхшироқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Фарруҳ ТЎЛАГАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг илмий даража толиби.

Эшитмадим, деманглар!

ХОРИЖДА

ОҚ УЙ ХАБАРИ

Оқ уй матбуот котитиби М. Фицуотер чоршанба куни журналистлар билан учрашди. У АҚШ президенти Жорж Буш Совет Иттифоқига озиқ-овқат билан қўшимча ёрдам бериш ҳақида фармойиш чиқарганлигини маълум қилди. Марказий Совет ҳукуматига ҳам, шунингдек республикаларга ҳам ёрдам юборилади, деди у.

●

РАСМИЙ ТАШРИФ

Россия Президенти Борис Ельцин Германияга ташриф буюрди. У бу ерда уч кун бўлади.

Рўзномалар Бонн ҳукумати Совет Иттифоқидаги вазият ҳақида Б. Ельциннинг ўзидан ахборот олиши муҳимдир, деб ёзишмоқда.

●

ОЛИЙ МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

АҚШ президенти Жорж Буш Оқ уйда инсон фаолиятининг турли соҳаларида эришган катта ютуқлари ва Америка миллати тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун ўн нафар американликка мамлакатнинг олий мукофоти — президент Озодлик медалини топширди.

Америка қонунига мувофиқ президент Озодлик медали фуқароларга бериладиган олий мукофот саналади. Шу боисдан бўлса керак уни фақат маъмурият бошлиғи топширади.

●

КУЧЛИЛАР РЎЙХАТИ

Анъанага кўра, Енгил атлетика ҳаваскорлар халқаро уюшмаси савол-жавоб ўтказди. Сиз бу йилнинг энг кучли спортчилари деб кимни тан оласиз! — анкетада шу савол ёзилган.

Жаҳон чемпионлари — германиялик Катринг Краббе ва америкалик Карл Льюис кучлилар рўйхатида биринчи ўринни эгаллашди.

Енгил атлетика мусобақаларини ёритувчи журналистлар, учрашувлар ҳомийлари, халқаро уюшманинг аъзолари, хуллас, 1800 дан зиёд киши анкета саволига жавоб қайтарган.

●

НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Жаҳон кубоги учун спорт тенниси бўйича хотин-қиз командалари ўртасидаги мусобақа Мадрид шаҳрида ўтаётир. СССР терма командаси муҳим ғалабани қўлга киритди. Спортчиларимиз майдон эгаси — испанияликларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

●

● Ханой шаҳридаги ҳарбий госпитал бош жарроҳи ва унинг ёрдамчилари тўққиз соат давомида бахтсиз ҳодиса туфайли ўнг бармоғини кесиб олган аёл ишчини операция қилишди. Операция муваффақиятли тугади. Аёл ўз халоскорларига миннатдорчилик билдирди.

ВИА—ТАСС олган сурат.

●

● Фуқаролар уруши туфайли Югославияда аҳвол танг бўлиб турибди. Танюг-ТАСС орқали олинган бу суратда қочоқ қариялар ва болалар тасвирланган.

[ТАСС ва марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди].

1.

МУСТАҚИЛЛИК КУРТАКЛАРИ

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ЗАМОНИ

Ўзбекларнинг «Эл» халқаро бирдамлик уюшмаси раиси Абдурауф МАҚСУДИЙ билан мулоқот

● Ўзбекистон Республикаси истиқлол йўлида собит қадам ташламоқда. Эркинлик шабадасидан баҳраманд ўлкамиз меҳнаткашлари янгича яшаш, янгича фикрлашни ўзларига касб этмоқдалар. Зеро, республикада ижтимоий-сиёсий муҳит барқарорлигини таъминлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, гуркираб ривожланиш йўлида саъйи ҳаракатлар қилиш осон кечмаслиги ҳаммага аён бўлиб турибди. Тутган йўлимиз истиқболли экани аниқ. Шу боисдан ҳам одамлар кўнглида умид учқунламоқда, яқин келажакдаги доруломонликка ишонч билан қараш барқ урмоқда. Ўлкамизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва ўнгланиш йўллари хориждан келган ватандошларимиз нигоҳига хос мулоҳазаларда ўз ифодасини топган бўлса, ажаб эмас.

—Она-Ватан меҳри узоқ йиллик айрилиқдан кейин сизни яна қуёшли диёримиз томонга етаклади. Ўзбекистонга ташриф буюргунингизга қадар халқимизнинг турмиш-турмиши, республикадаги ҳаёт ҳақида қандай фикрда бўлгансиз?

— Албатта, ҳақиқатдан юз ўгириб бўлмайди, Ростини айтганда, биз ватандошлар узоқ ўтмишда биримизнинг отамиз, иккинчимизнинг бобомиз, қолаверса, айримларининг ўзлари туғилган она-диёр тупроғида киндик қонимиз тўкилганини ҳеч вақт унутмаганмиз. Аксинча фахрланардик. Афсуски, бу томонлар ҳақида ўйлаш, келиш амри маҳол бўлган. Ютуғимиз шундаки, жаҳоннинг турли минтақаларига тарқалиб, истиқомат масканлари топган ўзбеклар ҳамиша ҳамфикр ва ҳамкор бўлишга интилиб келдик. Ўзбекистонда юз бераётган ҳар қандай ўзгаришларни кузатишга, билишга иштиёқ бағоят кучли эди.

Билсангиз, хорижда минглаб эмас, балки 4,5-5 миллионга яқин ўзбек бор. Бизлар учун машъум десак бўладиган Октябрь инқилобининг бўрони қанчадан қанча фикр-фаросатда ягона, дили поку ўзи пок, имон-эҳсонли иқтидорларни хорижга суриб ташлади, Жонини сақлаб қолган биродарларимиз Туркистон, Эрон ва Хитой сарҳадлари орқали турли юртларга тарқалиб кетишди. Улар дарбадарликда изландилар, имконият қидирдилар ва саҳоватли одамлар, адолатли хокимлар мурувватидан баҳраманд бўлдилар. Замонлар ўтиб, ватандошларимиз ўзларини эплаб олишди. Бугуниги кунда хорижда ўзлари яшаб турган мамлакатларнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида ишбилармонлик қилмоқдалар, ҳавас қилса арзигулик, бадавлат яшамоқдалар. Улар асосан Саудия Арабистони, Эрон, Туркия, Кашмир ва Америкада кўпроқ макон топишган.

Илгари Ўзбекистондан хорижга борган юртдошларимизни кўришга илҳақ бўлардик. Афсуски, меҳмоннинг биз билан, бизни эса улар билан мулоқотда бўлиши ман этиларди. Бунинг устига сизларда расм бўлган имлода на рўзнома, на китоб, ва жарида билан танишиш имкони йўқ эди, Ватандошларим асосан араб алифбосида ёзиб-чизишни билишарди. Сирасини айтганда, собиқ Совет Ўзбекистони Республикаси томонидан бизларга ҳеч қандай маънавий қувват кўрсатилмади, Ваҳоланки, арман, гурҗи ва озор элларида бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилган эди. Уларнинг ҳамюртларига турли қўлланма ва ҳар хил китоблар вақти-вақти билан юборилиб турилларди. Хулласини айтганда, Ўзбекистон ҳур деб эълон қилинди-ю, том маънодаги мустақилликка эришгани ёлғон бўлиб қолаверди. Биз буни 1924 йилда, Сталин Конституцияси эълон қилинган йилларда умидвор кутдик. Бўлмади, Мана энди чинакам истиқлол эълон қилинди. Ўзбекистон узра эрк қуёши балқимоқда.

2.

— Хориждаги миллионлаб ўзбекларнинг ишончли вакили сифатида сиз Ўзбекистонда хайрли ишларга қўл урib турибсиз. Бошланган юмушларингиз савобли экани маълум. Ўйлаймизки, «Эл» халқаро уюшмасининг бу борадаги тутган мавқеи, олдига қўйган бурчи хориждаги ватандошларимизни қоваштиришда, уларга мадад қўлларини чўзишда, қолаверса, Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бурунгидек ака-ука, ога-ини, маслакдош ва ҳамфикр бўлиб кетишларида алоҳида аҳамият касб этади.

—Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлини тутгандан бери хориждаги ўзбеклар билан мулоқотда бўлишдан ор қилишлар барҳам топди. Бизларга янгича нигоҳ билан қарайдиган бўлишди. Ватандош ўзбекларнинг ҳам она диёрига меҳри янада ортди, Ўйлайманки, чет элдаги ўзбекларнинг келиши, бу ердан у ерларга сафар қилишларига кенг имконият яратила боради. Шунинг учун ҳам халқаро бирдамлик уюшмасининг низомини тасдиқлашга тўғри келди, Ана шу ҳужжатга мувофиқ «Эл» халқаро уюшмаси аъзоларининг мақсад-вазифалари, ҳуқуқ-бурчлари, маблағ ва мулки қандай бўлиши кераклиги баён этилган.

Халқаро уюшмамиз сиёсий ва мафкуравий оқимга мансуб эмас. У холис бўлиб, давлат ёки сиёсий партия манфаатига хизмат қилмайди, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро ҳуқуқининг умумий қоидалари асосида фаолият кўрсатади. «Эл»ўз харажатини ўзи чиқарадиган уюшмалардан. Кирим-чиқим ҳисобига эга бўлиб, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар банкларида маблағ сақлаш имкониятига эгадир, Уюшма олдига қўйилган мақсад она-юрт ва хориждаги қариндош ва элдошларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаш, маданий-маърифий ишларни олиб боришдан иборат. Шунингдек, уюшма ватандошларга ўз она юртида шароит яратиш, қайтиб келишларига кўмаклашиш муаммоларини ечишда йўл кўрсатишга ҳам хизмат қилади.

Энди биз ўзбеклар яшаётган хорижий мамлакатларда расмий ваколатхоналар очишимиз мумкин. Уюшма аъзоларидан олинадиган бадаллар ҳисобига кўнгилдаги ишларни рўёбга чиқариш ва савобли ишларни қилиш имкониятига эгамиз. Бир ниятимиз бор, у ҳам бўлса уюшма аъзоларига мўлжалланган рўзномани таъсис этишдир. Ҳозир бизга бўлган ҳурмат ва ишончдан бениҳоя мамнун бўлиб турибмиз. Илтижоларимиз мустажоб бўлса, бизлар илгари хорижда имлоси туфайли ўқиёлмаган «Ўзбекистон овози» саҳифаларида ўзбекларга хос мазмундаги ёзувларни босиб чиқаришга имкон топсак ажабмас. Уёғини сўрасангиз, ҳорижий жаридалар босиб чиқариш тажрибаси асосан эълон ва билдирувларга асосланган. Рисоласифат кўп саҳифали «Нью-Йорк таймс» рўзномасини миллиардер деб, юритилиши ҳам шундан.

— Замона зайли билан 70 йилдан зиёд ҳукм сурган «изм» тузумининг тасарруфида бўлган элимиз тенглар ичида тенг деб номига , эътироф этиб келиндн. Шукурлар бўлсинким, чин маънодаги истиқлол нафасидан бутун эл баҳраманд бўлиб турибди. Мустақиллик куртаклари ниш уриб, гуллаб-яшнаш сари юз тутиб турибмиз. Одамларимизнинг шу маънода ўзларини ўнглаб, ўзлигини билиб, катта ишларга қўл урши учун назарингизда нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Қўполликка йўймасангиз, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос таърифни айтгим келади. Назаримда қачонлардир одамлар бошига занглаган мих уриб қўйилгандек, гапнинг сираси, одамлар тузум қурбони бўлиб қолишган. Бугунги кунимизга келиб улар истеъмолчиликка ружу қўйишгани кўринib қоляпти. Қаёққа қараманг, «бер-бер» маънодаги мулоқотга дуч келасан, киши. Ҳали айтишади-ку, «Оч баччагардан қоч баччагар». Албатта, бундай аҳволга тушиш ўз-ўзидан бўлмаган. Тўғри Ўзбекистонда янгиланиш бошланишига қадар хориждаги ватандошлар она диёрида Ислом дини мутлақо йўқ бўлиб кетган, деган фикрда эдилар. Худога шукур масжидлар ҳам, дин назорати ҳам мавжуд экан. Лекин динга бўлган муносабатда бошқачароқ қарашлар ҳукм сурган даврларнинг оқибати туфайли кўп нарса йўқотилган. Инсоф сари барака, дейишади. Бурунгидек ўзбекона саҳоватпешалик, савобли ишдан қочмаслик, тўрт мучали соғ одамнинг дангасалик, ялқовликдан воз кечиб, яхши саъйи ҳаракатларга уруниши каби фазилатлардан жуда ям ўрнида фойдаланилган, деб бўлмайди. Чунончи, поклик, исрофгарчилик, тежамкорлик, харом-хариш каби шарқона сифатлар айқаш-уйқаш бўлиб кетган.

«Изм»лар хукмрон даврда чиқарилган қарору фармонларни санаб адо қилиб бўлмаса керак. Зотан, уларнинг ҳаммаси ҳам бажарилган деёлмайман. Натижада сўз ва иш бирлиги йўқолган. Одамлар эркин нафас олишни унутишган, хадиксираб, фақат айтганни қилишга кўникма ҳосил қилишган. Бошлиғу раҳбарларнику қўяверинг. Улар асосан марказнинг «қўғирчоғи»га айланиб қолишганди, десак муболаға бўлмас. Тағинам одамлар орасида пешонаси ярқираганлар бор экан, эркин десак бўлмас, тузумга ҳаммойил фикр юритиб, кашфиётлар қилишга жазм этиб туришган.

Менимча бузилиш раҳбариятнинг ўрта бўғинидан бошланган. Ваҳоланки, балиқ бошидан айнийди. Бўлмаса, халқлар раҳнамоси деб ардоқланган КПСС ўз иши қолиб, махфий савдогарчилик қилиб «қора қун» учун бойлик тўплаб, уни сир тутиб ўтирармиди? Оддий меҳнаткаш эса ишонганим: «давримизнинг виждони, ақл-идроки» деб юраверган. Оддий коммунистлар бўлса, дастур, низомни дастак билиб, халол ва пок меҳнат қилаверган. Миллионларнинг меҳнатидан келган даромад мил-мил бўлгани билан тақсимот ишга яраша бўлмаган. Баҳона кўп: уруш хавфи бор, мудофаани мустаҳкамлаш керак, тинчлик ҳимояси, ривожланаётган давлатларга кўмак ва ҳакозо. Меҳнаткаш оилиги етмаганидан кейин ташимачилик билан шуғулланиш, қўшимча ишлаш, қолаверса, пора ҳисобига иш битириш, қаддини ростлаб олишлар авж олган, Одамлар ўртасида қўшимчаси, юқадиган жойи бор касбларни танлашга истак ошган. Ҳозиргидек ишбилармонлик, даромадгирликка эрк берилмаган. Мана энди замон ўзгарди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси халқлари асл шарқона ва ўзбекона яшашлари, ишлашлари лозим бўлади.

Умуман Ўзбекистоннинг мухтожлар қаторида бўлишига ўрин йўқ. Унинг ери, қазилма бойликлари уёқда турсин, мўътадил қуёшининг ўзи бир олам бойлик. Ўзбекистон, унинг пойтахти Тошкент худонинг назари тушган жой. Тошкентга дуо кетган. Шунинг учун бўлса керак, тузини ичган одам 40 йилдан сўнг ҳам салом айлаб келади, деган гаплар бор. Фақат мустақил Ўзбекистонда ҳам турмуш тарзининг айрим томонларини ўзгартирадиган фикрлар бор. Айтайлик маошхўрнинг неча йиллаб йиғганини фақат тўйга сарфлаши менга маъқулмас. Ўзбеклар ўзи учун ҳам яшашни унутиб қўйишган. Каттагами-кичикками тўкин дастурхон ёзиш одатга айланган экан. Нон одамдан азизми, деб бир чеккадан ушатиларверар экан. Бу аҳволда қачон оддий меҳнаткашнинг бири икки бўлади.

Яна бир гап: ажабмас қачонлардир бугунги кунда араб алифбосини мутолаа қилаётган ёшлар билан хориждаги мусулмонларнинг бевосита мулоқотлари, борди-келдилари йўлга қўйилса. Чунки, ҳозирги тасарруфдаги алифбони қабул қилингани ўзбекларни нафақат ўтмиш тарихидан, маданий меросидан, балки хориждаги ватандошлар билан ёзишмалар орқали мулоқотда бўлишларидан ҳам маҳрум этиб қўйган. Зеро, хориждаги миллионлаб ўзбеклар бурунгидек она-диёр кишилари билан ҳамнафас, ҳамдард бўлишни жуда-жуда истайдилар.

— Самимий мулоқот ва дил сўзларингиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

— Сизларга ҳам катта ташаккур.

Суҳбатдошлар
Ҳайдар НОСИРОВ,
Абдулла ПЎЛАТОВ.

3.



● Жиззах районидаги Х. Носиров номли жамоа хўжалигининг лимончиси Сиддиқжон Абдужабборов ўз оиласи билан бир гектар майдондаги иссиқхонадан 20 тонна лимон йиғиштириб олишни мўлжламоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Сиддиқжон Абдужабборов. 2. Оила аъзолари етиштирган лимонлар. 3. С. Абдужабборовнинг қизи Наргиза.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

СПОРТ

●

КУЧЛИЛАР САФИДА

Шахмат бўйича мамлакат чемпионати тугади.

11 имкониятдан 8,5 очко тўплаган ереванлик А. Минасян ғалаба қозониб, мукофотига «Жигули» енгил автомашинаси олди. Тошкентлик Александр Ненашев эса 27 гроссмейстер, 19 халқаро уста ва 18 нафар спорт устаси иштирок этган кучлилар даврасида бешинчи бўлишга муваффақ бўлди.

ФАХРЛИ ЎРИНДА

Маълумки, узоқ давом этадиган футбол мавсумида жамоанинг интизомли ва батартиб бўлишини таъминлаш осон кечмайди.

Бу борада араратчилар биринчи ўринни эгаллашди. Улар ҳисобида бор-йўғи 14 та жарима очкоси тўпланган. «Черноморец» 15 та жарима очкоси билан иккинчи бўлди. Пойтахт спартакчилари билан пахтакорчилар 17 мартадан огоҳлантириш олиб, учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллашди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

79-ТИРАЖНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1991 ЙИЛ 15 НОЯБРДА САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА УЮШТИРИЛДИ

Заёмнинг эллик етти разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200303	1—100	300	236439	040*)	1000	266914	054*)	5000
200585	040*)	2500	237839	033*)	5000	266994	066*)	5000
200632	070*)	1000	238066	1—100	500	267292	1—100	300
201549	1—100	300	238082	069*)	2500	267762	015*)	10000
201635	1—100	500	238144	074*)	2500	268063	1—100	300
203227	1—100	300	238285	081*)	5000	268148	1—100	300
204790	048*)	2500	238461	1—100	300	268346	072*)	2500
205031	061*)	2500	238623	099*)	1000	268903	1—100	300
205642	1—100	500	238936	050*)	5000	269686	005*)	10000
205745	071*)	5000	239064	007*)	1000	269832	1—100	300
206985	030*)	2500	239424	033*)	2500	270123	1—100	300
207890	074*)	1000	239482	1—100	300	271573	1—100	300
208020	1—100	300	239713	1—100	300	271842	047*)	2500
208270	017*)	2500	240205	1—100	500	272145	053*)	1000
208634	048*)	5000	240252	1—100	300	272569	082*)	2500
209066	1—100	500	240360	1—100	500	272935	048*)	2500
210361	1—100	300	240624	1—100	300	274066	1—100	300
210570	018*)	5000	240943	1—100	300	274565	1—100	300
210723	055*)	25000	244312	1—100	300	275156	073*)	2500
210948	1—100	300	244388	027*)	10000	275924	1—100	300
211219	1—100	500	244430	010*)	5000	276130	040*)	1000
211705	031*)	2500	244739	079*)	25000	276252	060*)	10000
212060	080*)	2500	245592	1—100	300	277105	094*)	1000
212544	1—100	300	245650	047*)	5000	277162	074*)	5000
213292	088*)	5000	245867	1—100	500	277344	1—100	500
213888	066*)	10000	246347	1—100	300	277561	1—100	300
214695	061*)	2500	246348	017*)	5000	277682	011*)	5000
215370	032*)	5000	246881	091*)	1000	278171	093*)	5000
215686	1—100	300	247721	1—100	300	278435	072*)	1000
215841	1—100	300	248687	051*)	1000	280350	1—100	300
215949	1—100	300	248731	029*)	2500	280492	1—100	300
216684	034*)	5000	250287	095*)	25000	281575	009*)	5000
216755	058*)	10000	250537	1—100	300	281744	075*)	2500
217004	016*)	2500	251061	057*)	1000	282307	011*)	2500
218354	086*)	2500	251636	1—100	300	282418	079*)	2500
218617	1—100	300	252699	1—100	300	282528	1—100	300
218727	005*)	2500	252804	087*)	2500	282948	004*)	2500
220075	1—100	300	252812	091*)	2500	285730	034*)	5000
220144	1—100	500	252826	1—100	300	286112	011*)	5000
220176	093*)	5000	252849	1—100	500	286162	1—100	300
220292	089*)	10000	253469	049*)	2500	287270	1—100	300
222250	1—100	300	253804	1—100	500	287512	1—100	300
222288	031*)	1000	255347	1—100	300	287833	074*)	5000
224064	1—100	300	255482	1—100	300	287852	1—100	300
224355	1—100	300	256396	031*)	5000	289502	093*)	2500
224418	015*)	5000	256468	085*)	25000	289658	080*)	1000
227309	1—100	300	256951	015*)	2500	290751	038*)	2500
228896	050*)	2500	259053	007*)	1000	291510	1—100	300
229887	099*)	5000	259090	040*)	5000	291984	049*)	2500
230459	033*)	2500	259485	1—100	300	292030	055*)	2500
231200	1—100	300	259909	1—100	300	292166	030*)	2500
231259	074*)	5000	260464	1—100	300	292861	079*)	5000
231344	1—100	500	260551	091*)	2500	295268	1—100	500
232133	003*)	2500	261996	1—100	300	295772	1—100	300
232258	1—100	300	262003	1—100	300	296148	034*)	1000
232659	038*)	2500	262162	027*)	2500	296268	1—100	300
232993	012*)	5000	262254	071*)	2500	296999	007*)	10000
233023	1—100	300	262496	018*)	2500	297381	049*)	1000
233224	008*)	5000	262957	061*)	2500	297411	003*)	2500
233395	020*)	2500	263416	047*)	1000	297625	043*)	25000
234514	1—100	300	264054	034*)	10000	298170	066*)	2500
234944	1—100	500	264104	1—100	300	298376	009*)	5000
234993	1—100	500	264317	077*)	5000	298864	1—100	500
235091	1—100	300	264681	067*)	1000	298915	1—100	500
235262	1—100	500	265417	039*)	10000	298965	1—100	300
235598	1—100	300	266003	091*)	2500	299712	060*)	1000
235659	068*)	2500	266784	075*)	2500			

***) Шу серилядаги облигацияларнинг қолган 90 номерига 300 сўмдан ютуқ чиқди.**

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда, — 300, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан серилядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 600, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 1000, 2500, 5000, 10000, 25000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 300 сўм чиқади ва облигация бўйича 1300, 2800, 5300, 10300, 25300 сўм тўланади. 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ҳа шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — Санкт-Петербург шаҳар бошқармасининг иқтисодий ривожлантириш комитетининг раиси Г. С. ХИЖА.

Тираж комиссиясининг масъул котиби — В. А. ПРИТКОВА.

ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИГА ЮК ОРТИШ ВА ТУШИРИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИГА ДАХЛИ БЎЛГАН БИРЛАШМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ЖАМОА ВА ШЎРО ХЎЖАЛИКЛАРИ, ШИРКАТЛАР ҲАМДА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар Сиз ўзларингизнинг хусусий темир йўл шохобчаларини ва автомобиль йўлларини, механизмлар ва хўжалик тарозиси билан таъминланган юк ортиш ва туширишмайдонини, омбор бинолари, юк туширишжойларини ёритиш, ўт ўчириш ва қўриқлаш сигнализацияси қурилмаларини бўлган майдонларга барча турдаги юкларни туширишомборларга жойлаштириш ва сақлаш жойларини қурсангиз, Сизнинг муаммоларингиз бир неча баравар камаяди.

Темир йўл шохобчалари ва автомобиль йўллари қурилишига, юк туширишва юклаш жойлари, омбор бинолари ва юкларни сақлаш жойларини қуриш учун лойиҳасмета ҳужжатларини тайёрлаб беришга қуйидаги манзилда жойлашган Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкентдаги темир йўллар транспорти иншоотларини лойиҳаловчи лойиҳа-тадқиқот илмгоҳига буюртма беринг: 700061, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 7-уй. Тошкент темир йўллар транспорти иншоотларини лойиҳаловчи лойиҳа-тадқиқот илмгоҳи.

Телефонлар: 39-22-11, 39-20-01.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси «ИПАК» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

бўлимлар бўйича бўш лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қурт ишлаб чиқариш; пилла тайёрлаш, унга дастлабки ишлов бериш ва стандартлаштириш (фан доктори ёки номзоди).

Илмгоҳ илмий котиби (фан доктори ёки номзоди).

Танлов муддати — 15 декабргача.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 702044, Октябрь ноҳияси, Генерал Узоқов кўчаси.

Телефон: 46-16-01.

●

«СРЕДАЗАГРОПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ «ЎЗБЕКГАЗСПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИ

газ пайвандчилар, электр пайвандчилар; ғишт терувчилар, монтажчилар, бетончилар, дурадгорлар, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи, смета бўлими бошлиғи, молиячиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Товон пуллари тўланади. Овқатланиш учун кетадиган ҳаражатлар, йўлда ишловчи ишчиларга район коэффициенти ва ҳоказо ҳақ тўланади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700050, Тошкент шаҳри, Фонтанная кўчаси, 120-уй, 49-автобуснинг «Фонтанная кўчаси» бекати.

Телефонлар: 96-05-23, 96-34-59.

●

«АГРОСПЕЦСТРОЙ» ЖАМОА КОРХОНАСИГА

доимий ишга дефектоскопия ва электр техника лабораториясининг бошлиқлари ва мутахассислари КЕРАК

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700005, Куйбишев кўчаси, 35-уй. Телефон 91-43-52 (расмийлаштириш бўлими).

●

ТАШКИЛОТГА

Ўзбекистоннинг исталган район ва шаҳарларида яшовчи малакали ҳуқуқшунослар юқори ҳақ тўланадиган ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР

ҚАБУЛ ТАНЛОВ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Тошкент шаҳрида: 44-07-22, 44-07-23 телефонлари орқали дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача мурожаат қилинсин.

●

ТАШКИЛОТЛАР, ШИРКАТЛАР, КИЧИК КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бухоро вилоят ижроия комитети матбуот бошқармасининг Ромитан район босмахонаси муҳрлар ва штамплар ни ЯСАБ БЕРАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: БУХОРО ВИЛОЯТИ, РОМИТАН ШАҲРИ, ТИНЧЛИК КЎЧАСИ, 11-УЙ.

●

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

доимий ишлаш учун ўзбек ва рус тилларини биладиган экскурсоводларни ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 41-02-75, 44-12-68.

Ўзбекистон Республикаси телекўрсатув ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси чет элларга радиоэшиттиришлар жамоаси уйғур тилида эшиттиришлар Бош муҳарририятининг диктори

Моҳинур ЕҚУБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекбирлашув» Бошқарув ҳайъати Бошқарув ҳайъати аъзоси, Бошқарув ҳайъати раисининг муовини Ш. А. Собировга онаси

Мунаввар РАФИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.

№ 226.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. Босишга топшириш вақти—21.00 Топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.